


III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ


2021 йилнинг январь-март ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги соҳасида ишлаб чиқарилган маҳсулот (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 2 443,4 млрд. сўмни ёки 2020 йилнинг шу даврига нисбатан 104,9 фоизни ташкил қилди. Шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар – 2 322,3 млрд. сўмни (105,0 %), ўрмон хўжалиги – 75,7 млрд. сўмни (101,5 %), балиқ хўжалиги – 45,4 млрд. сўмни (100,7 %) ташкил қилди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизматлар)ларининг ҳажми ва ўсиш суръатлари



Хусусан, юқори ўсиш суръати Боғот (108,2 фоиз), Янгиариқ (107,4 фоиз), Янгибозор (107,0 фоиз) туманларида кузатилди.


**Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликлари маҳсулот (хизмат)ларининг
худудлар кесимида тақсимланиши (фоиз ҳисобида)**



Вилоятнинг қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари умумий ҳажмида худудлар кесимида энг юқори улуш Урганч (11,2 фоиз), Гурлан (10,7 фоиз) ва Хива (10,0 фоиз) туманлари ҳиссасига тўғри келди. Хива шаҳри ва Тупроққалъа тумани мос равишда 0,4 фоиз ва 2,3 фоиз кўрсаткич билан кейинги ўринларни эгаллашди, энг кам улуш Хива (0,4 фоиз) шаҳрида қайд этилди.


Қишлоқ хўжалиги соҳасида 2021 йилнинг январь-март ойларида 2 307,3 млрд сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ўсиши 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 105,1 фоизни, шу жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари - 126,7 фоизни ва чорвачилик маҳсулотлари - 104,4 фоизни ташкил қилди.

**2021 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги
маҳсулотларининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши**
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)




Вилоят қишлоқ хўжалиги маҳсулотларида энг катта улушни деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари эгаллаган бўлиб, 2021 йил январь-март ойларида жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 91,6 фоизини (2020 йил январь-март ойларида – 93,5 фоиз) ташкил қилди. Жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 5,9 фоизи (2020 йил январь-март ойларида 4,5 фоиз) фермер хўжаликлари томонидан, 2,5 фоизи (2020 йил январь-март ойларида –2,0 фоиз) қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган.

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида деҳқончилик ва
чорвачиликнинг маҳсулотларининг улуши**



**Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари
ҳажмининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши (фоиз)**



2021 йилнинг январь-март ойларида 2 307,3 млрд. сўмга тенг бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ва ушбу ҳажмнинг 97,0 млрд. сўмга тенг қисми (4,2 фоизи) деҳқончилик, 2 210,3 млрд. сўмга тенг қисми (95,8 фоизи) чорвачилик соҳасига тўғри келади.

2021 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари умумий ҳажмининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши таҳлил қилинганда, деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришда Гурлан (10,5 фоиз) ва Янгиариқ (9,5 фоиз) туманларида юқори кўрсаткич қайд этилди. Энг кам улуш Урганч ва Хива шаҳарларида (деҳқончилик маҳсулотлари етиштирилмаган) қайд этилди.

Шунингдек, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг юқори кўрсаткичлари Урганч (100,0 фоиз) ва Хива шаҳарларида (100,0 фоиз) шунингдек, Тупроққалъа туманида (110,0 фоиз) қайд этилди.

**Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг
худудлар бўйича хўжалик тоифалари кесимида тақсимланиши (фоиз)**



Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти таркибидаги улушнинг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши туман ва шаҳарлар кесимида таҳлил қилинганда, энг юқори кўрсаткичлар барча туман ва шаҳарларда деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келиши кузатилди. 2021 йилнинг январь-март ойлари яқунларига кўра фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти таркибидаги улуши бўйича энг юқори кўрсаткич Гурлан туманида (14,8 фоизи), деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларининг энг юқори улуши Хива ва Урганч шаҳарларида (100,0 фоизи) ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг энг юқори улуши Хонқа (8,3 фоизи) ва Янгиариқ (5,5 фоизи) туманларида қайд этилди.


Фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти таркибидаги улуши бўйича энг кам кўрсаткич эса Тупроққалъа (2,8 фоиз) ва Қўшқўпир туманларида (2,9 фоиз), деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларининг энг кам улуши Гурлан туманида (84,6 фоиз) ҳамда қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг энг кам улуши Урганч ва Хива шаҳарларида (маҳсулот етиштирилмаган) қайд этилди.

Дехқончилик

2021 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарилган дехқончилик маҳсулотлари умумий ҳажми 97,0 млрд. сўмни ёки жами етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 4,2 фоизини ташкил қилди.

2020 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 126,0 фоизни, жумладан, фермер хўжаликларида 65,1 млрд. сўмни (105,1 фоиз), дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида 10,0 млрд. сўмни (103,6 фоиз), қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 21,9 млрд. сўмни (2,5 марта кўп) ташкил қилди.

Ишлаб чиқарилган дехқончилик маҳсулотларининг ҳудудлар кесимида хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши (фоиз)




Ҳосил йиғими. 2021 йилнинг январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 2 775 тонна сабзавот (170,0 фоиз) йиғиб олинди.

Чорвачилик


2021 йилнинг январь-март ойларида чорвачиликда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар умумий ҳажми 2 210,3 млрд. сўмни ёки 2020 йилнинг шу даврига нисбатан 104,4 фоизни, жумладан, фермер хўжаликларида 71,0 млрд. сўмни (102,7 фоиз), деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида 2 104,4 млрд. сўмни (104,6 фоиз), қишлоқ хўжалик фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 34,9 млрд.сўмни (100,4 фоиз) ташкил қилди.

Ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотларининг ҳудудлар кесимида хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши (фоиз)



2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига чорва моллари бош сонининг ўсиши бўйича ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кўрсаткичлар қуйидагича бўлди: йирик шохли қорамоллар 101,3 фоизни (жами 927,7 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 101,5 фоизни (352,0 минг бош), қўй ва эчкилар 104,7 фоизни (451,9 минг бош), отлар 100,9 фоизни (5,6 минг бош), паррандалар 103,1 фоизни (5858,1 минг бош) ташкил қилди.

2021 йил 1 апрель ҳолатига чорва моллари бош сонларининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши (фоиз)




■ Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар

■ Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари

■ Фермер хўжаликлари

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 99,4 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 99,4 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 68,0 фоизни ташкил этди.

Ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотларининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши



- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар
- Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Фермер хўжаликлари

2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони

	минг бош	ўсиш суръати, %
Йирик шохли қорамол	927,7	101,3
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликларида	64,9	105,4
Деҳқон (аҳолининг шахсий	854,5	100,7

	минг бош	ўсиш суръати, %
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда	8,3	140,7
улардан: сигирлар	352,0	101,5
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликларида	25,4	110,9
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида	323,9	100,6
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда	2,7	150,0
Қўй ва эчкилар	451,9	104,7
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликларида	61,7	133,5
Дехқон (аҳолининг шахсий	383,4	100,3
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда	6,8	206,1
Отлар, бош	5635	100,9
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	632	103,6
Дехқон (аҳолининг шахсий	4972	100,3
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	31	206,7
Паррандалар	5858,1	103,1
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликларида	771,7	107,2
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида	3851,0	105,2
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда	1235,4	94,9

**2021 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарилган
чорвачилик маҳсулотлари**

	<i>миқдори</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>
Гўшт (тирик вазнда), минг тонна	38,2	104,9
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликларида	0,9	104,6
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида	37,1	105,0
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда	0,2	103,2
Сут, минг тонна	206,9	104,2
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликларида	8,3	105,1
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида	197,4	104,0
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амал оширувчи ташкилотларда	1,2	138,9
Тухум, млн. дона	109,1	100,3
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликларида	8,6	95,0
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида	65,5	104,2
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда	35,0	94,8
Жун, тонна	65	101,6
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликларида	6,0	100,0
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида	58	101,8
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда	1,0	100,0

	миқдори	ўсиш суръати, %
Қорақўл тери, дона	1577	101,2
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликларида	65	81,3
Дехқон (аҳолининг шахсий	1512	102,3

Фермер хўжаликлари. 2021 йил 1 апрель ҳолатига Хоразм вилоятида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари сони жами 5 031 тани ташкил этиб, шундан ихтисослашуви бўйича пахтачилик-ғаллачиликда 1 966 та, сабзавот-полизчиликда 191 та, боғдорчилик-узумчиликда 1 246 та, чорвачиликда 1 031 та, балиқчиликда 576 та ва бошқа ихтисослашувдаги 21 та фермер хўжаликларидан иборат.

	Жами фермер хўжаликлари	шу жумладан:									
		пахтачилик ва ғаллачилик	сабзавотчилик ва полизчилик	боғдорчилик ва узумчилик	чорвачилик	паррандачилик	инак қуртини қўлайтириш	асалари чилик	қуёнчилик	балиқчилик	бошқа йўналишлар
Хоразм вилояти	5031	1966	191	1246	758	131	86	38	18	576	21

туманлар:


Боғот	407	131	6	108	54	7	4	4	2	92	-
Гурлан	474	265	6	93	49	7	20	2	2	30	-
Қўшқўпир	503	232	3	101	76	18	2	3	2	66	-
Урганч	734	235	50	274	114	9	8	8	-	34	2
Ҳазорасп	408	171	12	88	35	16	12	-	-	65	9
Тупроққалъа	294	121	41	64	28	10	1	-	3	25	1
Хонқа	475	189	9	117	124	6	8	-	-	22	-

	Жами фермер хўжаликлари	шу жумладан:									
		пахтачилик ва ғаллачилик	савзавотчилик ва полизчилик	боғдорчилик ва узумчилик	чорвачилик	паррандачилик	ипак қуртини қўпайтириш	асалари чилик	қуёнчилик	балиқчилик	бошқа йўналишлар
Хива	357	116	8	65	83	11	7	2	-	61	4
Шовот	559	201	20	122	94	16	18	8	3	76	1
Янгиариқ	353	131	15	54	40	19	5	11	6	70	2
Янгибозор	467	174	22	160	61	12	1	-	-	35	2


2021 йилнинг январь-март ойларда фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 136,1 млрд. сўмни ёки 2020 йилнинг тегишли даврига нисбатан 103,4 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 5,9 фоизни ташкил этди.

Фермер хўжаликларида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг йўналишлар бўйича тақсимланиши (фоизда)

2020 йил январь-март



2021 йил январь-март



2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига фермер хўжаликларида 64,9 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 25,4 минг бош сизир, 61,7 минг бош қўй ва эчкилар, 632 бош от, 771,7 минг бош паррандалар мавжуд бўлиб, 2020 йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар сони 105,4 фоизни, шу жумладан сизирлар 110,9 фоизни, қўй ва эчкилар 133,5 фоизни, отлар 103,6, паррандалар 107,2 фоизни ташкил қилди.

2021 йил январь-март ойларида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари

	январь-март				2020 январь-март ойларига нисбатан фоиз ҳисобида
	2020 йил		2021 йил		
	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	
Сабзавот	109	6,7	122	4,4	111,9
Гўшт, тирик вазнда	842	2,3	881	2,3	104,6
Сут	7928	4,0	8331	4,0	105,1
Тухум, млн. дона	9085	8,3	8631	7,9	95,0
Жун, тонна	6	9,4	6	9,2	100,0
Қорақўл, дона	80	5,1	65	4,1	81,3
Балиқ	780	42,6	715	38,8	91,7

2021 йилнинг январь-март ойларида ҳудудлар кесимида ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари

Сабзавот, жами (тонна)
Жами вилоят бўйича 2775



2021 йил 1 апрель ҳолатига ҳудудлар кесимида чорва моллари ва паррандалар бош сони

Йирик шохли қорамоллар (бош)
Жами вилоят бўйича 927 727



шу жумладан, сигирлар
Жами вилоят бўйича 352 039

(бош)



Қўйлар ва эчкилар
Жами вилоят бўйича 4



Паррандалар (ми)
Жами вилоят бўйича



2021 йилнинг январь-март ойларида ҳудудлар кесимида асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

Гўшт (минг тонна)
Жами вилоят
бўйича 38,2



Сут (минг тонна)
Жами вилоят
бўйича 207,0



Тухум (млн. дона)
Жами вилоят
бўйича 109,1



Жун (тонна)
Жами вилоят бўйича 65



Балиқ (тонна)
Жами вилоят
бўйича 1 843



Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари – ҳисобот даврида фермер хўжаликларида, деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда ишлаб чиқарилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг жами қийматини белгилаб, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмини ифодалайди.

Деҳқончилик маҳсулоти – ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги экинларининг ялпи ҳосили ва бошқа деҳқончилик маҳсулотларининг қийматини ҳамда кўп йиллик ёш кўчатларни ўстириш қиймати ва йил бошидан йил охиригача тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматларининг ўзгариши йиғиндисидир.

Чорвачилик маҳсулоти – моллар, паррандалар ва бошқа чорва молларини ўстириш, сут, тухум, жун, асал ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш қийматларини ўз ичига олади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми индексларини ҳисоблашда уларнинг солиштирма нархлардаги қийматидан фойдаланилади.

Ўрмон хўжалиги – ўрмон ва ўрмон ресурсларидан фойдаланиш каби фаолият турларини ўз ичига олади. Ўрмон хўжаликлари томонидан олиб борилаётган ишлар ўрмонларнинг ҳолатини яхшилаш, уларни узлуксиз янгилаш, зараркунандалар, касалликлар ва ноқонуний кесилдан ҳимоя қилиш, санитария ва ёнғинга қарши дастурларни ишлаб чиқиш киради. Ўрмон хўжалиги маҳсулотларига терак, эман, қайин, сосна, қорақарағай ва бошқа шу каби дарахтлар кўчатларини олиш ва етиштириш ҳам ҳисобга олинади. Шунингдек, ёввойи ҳолда ўсувчи кўзикорин ва трюфеллар, резавор мевалар, ёнғоқлар ва бошқаларни териб олингани ушбу тармоқда ҳисобга олинади.

Балиқ хўжалиги – овланган балиқ, сув биоресурслари ва аквакультура соҳаларининг маҳсулоти ва кўрсатилган хизматлар ҳажмини, шунингдек, ушбу соҳани ривожлантириш, заҳираларни кўпайтириш ва яхшилашни ўз ичига олади.

Фермер хўжаликлари - ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектидир.